6

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

# B U Y R U G ' I

2019 yil "05" 04 276-son Toshkent sh.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 1/2-сонли Ҳайъат қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида вазирликка қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида"ги 1/2-сонли Ҳайъат қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида вазирликка қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш тўғрисида"ги 1/2-сонли Хайъат қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Буюртмалар партфолиосини шакллантириш, битирувчилар билан ишлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи (Ш.Ў.Қаршибоев)га

2.1 Институтда ташкил этиладиган битирувчилар жамғармасини молиявий жиҳатдан барқарорлигини ошириш чоралари кўрилсин.

3. Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А. Юлдашев, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор Н.С.Нормахаматов ва Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи У.Усмоновларга

3.1 **Бир ой муддатда** институт QS, THE каби халқаро рейтинг агентликларининг рўйхатига киритиш бўйича «Йўл харитаси»си ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин.

3.2 **Бир ҳафта муддатда** халқаро тажрибаларга асосланган ҳолда таълим муассасаларида ички баҳолаш тизимини такомиллаштириш, ички баҳолаш натижаларининг холисоналиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва вазирликка тақдим этилсин.

4. Ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.К.Собировга

4.1 Институтда олиб борилаётган қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишларини сифатли бажарилишини доимий назоратга олинсин.

0016388

5. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

*Асос:* Ўзбекистон Республикаси *Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 мартдаги 1/2 сонли Ҳайъат қарори.*

**Ректор** **И.И.Алимджанов**

ASLIGA TO'G'RI

FARMATSEVTIKA INSTITUTI TOSHKENT DEVONXONA